ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

ЦВЕТНАЯ КАПУСТА – ИНСТРУКЦИЯ ПО ХРАНЕНИЮ В ХОЛОДНЫХ УСЛОВИЯХ И ТРАНСПОРТИРОВКИ В ХОЛОДНОМ ВИДЕ Издание официальное

(ISO 949:1987, IDT)

Узбекское агентства стандартизации,
метрологии и сертификации

Ташкент

Сўз боши

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 19.01.11 даги 05-263-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

2. Ушбу Ўзбекистон давлат стандарти ISO 949:1987 "Гулкарамлар – совуқ шароитда сақлаш ва совутилган ҳолда ташиш бўйича йўриқнома" халқаро стандарти билан уйғунлашган.

3 Биринчи марта киритилган

Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида эълон қилинади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ ҳуқуқига эга

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

ГУЛКАРАМЛАР - СОВУҚ ШАРОИТДА САҚЛАШ ВА СОВУТИЛГАН ҲОЛДА ТАШИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

(ISO 949:1987, IDT)

ЦВЕТНАЯ КАПУСТА – ИНСТРУКЦИЯ ПО ХРАНЕНИЮ В ХОЛОДНЫХ УСЛОВИЯХ И ТРАНСПОРТИРОВКИ В ХОЛОДНОМ ВИДЕ

(ISO 949:1987, IDT)

CAULIFLOWERS – GUIDE TO COLD STORAGE AND REFRIGERATED TRANSPORT

(ISO 949:1987, IDT)

Киритилиш санаси «01» 02 2011 й. дан

Амал қилиш муддати чекланмаган

1. Қўллаш соҳаси

Мазкур халқаро стандарт, турли навдаги гулкарамларни кейинчалик истеъмол қилиш ёки қайта ишлаш учун уларни яхши (барра) ҳолатда мувофаққиятли совуқ шароитда сақлаш ва узоқ манзилга совуқ ҳолатда ташиш талабларини белгилайди.

2.Меъёрий ҳавола

ИСО 2169 Мева ва сабзавотлар – совуқ шароитда сақлашнинг физикавий талаблари – белгилаш ва ўлчаш.

ИСО 6661 Мева ва сабзавотлар - ер усти транспорт воситларида параллелипипед қадоқларни жойлаштириш.

3.Ҳосилни йиғиб олиш ва қадоқлаш шартлари

3.1. Ҳосилни йиғиб олиш шартлари

Сақлаш учун мўлжалланган гулкарамнинг тугунлари тўлиқ етилмасдан аввал ҳосилни йиғиб олиш лозим. Ҳосилни тонгда йиғиб олиш мақсадга мувофиқ.

Ҳосилни йиғиб олиш куни, гудкарам тугунларининг етилиши ҳолатига қараб белгиланади.

Иссиқ об – ҳаво шароитида ҳосил йиғиб олиш кунидаги бир кунлик фарқ гулкарам тугунларининг сарғайишига, бўлакларга бўлиниши ва тўкилиб кетишига сабаб бўлади.

3.2. Сақлаш учун сифат талаблари

Сақдаш учун мўлжалланган гулкарамнинг тугунлари барра ҳолда, тоза, соғлом ва шикастлардан ҳоли масалан кемирувчилар ёки қумурсқаларнинг зарари тегмаган, ҳамда касалланмаган, музламаган ёки урилмаган бўлиши лозим.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
2623 son bilan
«19» 01 2011 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

Сақлашдан аввал гулкарамни ювиш тавсия қилинмайди аммо унинг фақат ҳимояловчи баргларини ва бандини қисқа қолдириб, қолган баргларининг кесиб ташлаш тавсия қилинади.

3.3. Қадоқлаш

Одатда сақлашда очиқ ёғоч жавонлардан фойдаланилади аммо қоғоз картондан ясалган қадоқлардан фойдаланиш ҳам яхши натижа кўрсатади.

Пергамент ёки пластик ўрамалардан (полиэтилен, поливинилхлорид ва ҳкз.) сақлашда фойдаланиш, сақлаш давомида масса йўқолишини сезиларли даражада камайтиришга ёрдам беради. Ушбу материаллар билан қутиларни ва алоҳида гулкарамларни ўрашда ёки ёғоч жавонлар устини қоплашда фойдаланиш мумкин.

Қадоқлар маҳсулотни ҳимоялаш билан бирга маҳсулотни сақлаш ва ташиш давомида уни совутиш учун етарли ҳаво айланишни таъминлаб бериши лозим.

4. Энг мақбул сақлаш ва ташиш талаблари

4.1. Сақлашдан аввалги тадбирлар

Гулкарам узиб олингандан сўнг имкон қадар тез муддатда бирламчи совутиб олиниши лозим чунки, узилгандан кейинги 48 соат ичида 15 C^0 ҳароратда ҳам гулкарам тугунларининг сариқ тусга кириши ва бактерия ёки замбуруғ таъсирида ўзгариши кузатилади. Гулкарамдаги бундай ўзгаришларни тўхтатиб бўлмайди. Агарда гулкарам етиштирилган жойдан сақлаш омборигача маҳсулотни ташиш бир неча кунни талаб этса, бундай ҳолларда гулкарамни ташишдан аввал бирламчи совутиб олиш лозим.

4.2. Ҳарорат

Гулкарамни сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган энг мақбул ҳаво ҳарорати 0 ва 4 C^0 оралиғини ташкил этиши лозим. 0 C^0 дан паст ҳарорат маҳсулотнинг музлаб сифати ўзгаришига сабаб бўлади. Конденсация жараёни ҳосил бўлиши олдини олиш учун, бутун сақлаш ва ташиш давомида танланган сақлаш ҳаво ҳароратини мўтадил ушлаб туриш зарур.

4.3. Нисбий намлик

90% - 95% намлик шароитида сақланиш тавсия қилинади. Ўта паст намлик шароити гулкарам тугунлари ва баргларини қуриб қолишига ва натижада сақлаш муддатининг қисқаришига сабаб бўлади.

Айрим қадоқлаш усуллар сақлаш давомида намлик йўқолишини сезиларли даражада камайтиришга ёрдам бериши мумкин (3.3. бандга қаранг).

4.4. Ҳаво айланиши

Сақлаш ва ташиш давомида ҳавонинг айланиши 4.2. ва 4.3 бандларда белгиланган ҳароратнинг ва нисбий намликнинг меъёри доирасида мўтадил ва узлуксиз ушлаб туришни таъминлаши лозим.

4.5. Сақлаш

Сақлашда гулкарамни етарли миқдорда ҳимоя барглари билан қолдирган ҳолда, икки қатор қилиб тахлаш тавсия қилинади. Юқори қаторга жойлаштирилган гулкарамлар пастки қатордаги гулкарам тугунларига шикаст бермайдиган ҳолда тахланиши лозим.

Ҳимоя барглари бўлмаган гулкарамларни тугунлари юқорига қаратилган ҳолда бир қаторда тахлаш лозим.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

Ташиш давомида меъёрдан ортиқ намликдан, урилиш ва ифлосланиш ҳимоялаш учун гулкарамнинг тугунларини пастга қаратилган ҳолда қадоқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, бундай усулда қадоқлаш гулкарамни йиғиб олиш ва ювиш вақтда гулкарамда йиғилган сувни чиқариб ташлашга имкон беради.

4.6. Сақлаш муддати

Юқорида келтирилган сақлаш шароитларини таъминлаган ҳолда гулкарам навларига қараб, 3 ҳафтадан 6 ҳафтагача гулкарамни сақлашга эриш мумкин.

Сақлашда исрофланишни олдини олиш учун кундалик сифат назоратини ўтказиш талаб қилинади.

5. Ташиш ва юклаш талаблари

5.1. Ташиш

Гулкарам ташиш давомида узлуксиз совутилиши лозим. Шу сабабли, ташишда муз ёки механик усулда совутиладиган темир йўл вагонлари ва совутиладиган юк транспорт воситаларидан фойдаланиш талаб этилади.

Совутиш мосламаларининг техник ҳолати яхши бўлиши лозим, мисол учун совутиладиган ҳаво айланиш тизими ишчи ҳолатда, муз билан совутиладиган темир йўл вагонларида зовурлар чиқиндиларсиз ва ҳаво айланишини таъминловчи жавонлар ўрнатилган бўлиши лозим.

Юклашдан аввал транспорт воситасидаги юккхона ҳароратини механик усулда ёки муз орқали белгиланган ҳаво ҳарорати даражасигача совутиш талаб этилади.

Муз билан совутиладиган темир йўл вагонларида юк ортилгандан сўнг юк миқдорига кўра муз контейнери тўлдирилиши лозим.

Иссиқ об – ҳаво шароити ёки узоқ транзит муддати сабабли ташиш даврида муз эриб кетиши мумкин, бундай ҳолларда, транспорт воситасидаги муз контейнери камида 1/3 қисмигача муз билан тўлган ҳолда манзилга етиб келишини таъминлаш учун оралиқ тўхташ жойида муз контейнерини қайта тўлдириш зарур.

5.2. Қадоқларни жойлаштириш

Транспорт воситаларида қадоқларни жойлаштириш ИСО 6661 халқаро стандартида белгиланган тартиблар асосида амалга оширилади.

6. Сақлашдан ва совутилган ҳолда ташишдан кейинги тадбирлар

Сақлашдан сўнг гулкарам кўздан кечирилади, сақлаш давомида сарғайган ёки шикастланган барглари олиб ташланади. Гулкарам банди ҳам қайта кесилади.

Гулкарамларни ташиб ва тушириб олингандан сўнг гулкарамни совутилган шароитда сақлашни давом эттириш ёки имкон қадар қисқа муддатда уларни истеъмол қилиш ёки қайта ишлаш лозим.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

ИЛОВА

Талабларни жорий этишдаги чекловлар

Ушбу Халқаро стандарт фақат умумий тавсиялар беради. Вақт ва етиштириш жойига кўра, сабзавотлар ўргарувчан бўлганлиги сабабли маҳаллий шароитда ҳосил олишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиш ёки сақлашнинг бошқа табиий шароитларини таъминлаш талаб этилади.

Ушбу тавсиялар турли иқлим шароитларида етиштирилган барча навларга нисбатан тенг қўлланмайди, шу сабабли мутахассис томонидан зарур ҳолларда кичик ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Бундан ташқари мазкур халқаро стандартда экологик омилларининг роли ҳисобга олинмаган ва сақлаш давомидаги исрофнинг олдини олиш чораси кўрилмаган.

Сабзавотлар тирик маҳсулот бўлганлиги ва тез ўзгарувчанлиги сабабли келиб чиқадиган чекловларни эътиборга олиб, ушбу Халқаро стандартда келтирилган тавсияларни жорий этиш орқали, кўп ҳолларда, совуқ шароитда сақлашдаги исрофгарчиликни олдини олиш ва узоқ муддат сақлашга эришиш мумкин.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI